



САММИТДА ҲАМДЎСТЛИК ДОИРАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚАТОР ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни Бишкек шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров раислигида ўтган саммит ишида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов ва МДХ бош қотиби Сергей Лебедев ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, МДХ доирасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон Президенти мавжуд имкониятларни биргаликда

баҳолаш ва ўзаро мувофиқлаштирилган чоралар кўриш учун МДХдек ноёб платформани ишга солиш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Шу маънода, кўп томонлама ҳамкорликнинг янги узоқ муддатли кун тартибини ишлаб чиқиш мақсадида МДХ мамлакатларининг етакчи таҳлил марказлари ва экспертларининг конференциясини ташкил этиш таклиф қилинди.

Мамлакатимиз етакчиси Ҳамдўстлик мамлакатларида барқарор

иқтисодий ўсишни таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Ташкилот маконида истисно ва чекловларсиз тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш муҳимлигига эътибор қаратилди. Шу муносабат билан тегишли шартнома қоидаларини қайта кўриб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Президенти мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлашда мавжуд механизмларни самарали ишга солишга қарор қилди ва уни рағбатлантиришнинг янги воситаларини таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш ва лойиҳаларни илгари суриш бўйича қўшимча чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда МДХ мамлакатларининг Саноат кооперацияси ва инновацион ишланмалари форумини ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Энергетика ва озиқ-овқат соҳаларида ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида илғор технологияларни жорий этиш ва кооперацияни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик бўйича янгиланган дастурни ҳамда Агросаноат мажмуидидаги кооперациянинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимни тайёрлаш таклиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси ҳудудлараро ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича “йўл харитаси”ни тайёрлаш ташаббуси билан қикди, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни кучайтириш, йўловчи ва юк ташишни кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўрсатиб ўтди.

Глобал иқлим исиши оқибатларига қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди. Келгуси йилда Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган БМТ

шафелигидаги Халқаро иқлим форуми доирасида МДХ маконидаги экологик хавф-хатарларга бағишланган махсус ялпи сессияни ташкил этишга тайёрлик билдирилди.

Гуманитар соҳа ҳақида сўз юритилар экан, 2024 йилда Ҳамдўстликнинг маданий пойтахти, деб эълон қилинган Самарқанд шаҳрида МДХ маданият, санъат ва кино ҳафталигини ўтказиш таклиф қилинди.

Шунингдек, келгуси йилда МДХнинг ёшлар пойтахти макomini олган Тошкент шаҳрида бир қатор ёшларга оид тадбирлар, шу жумладан, футбол мусобақаси бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз етакчиси ўз сўзида таълим соҳасида ва сайёҳлик алмашинувини ривожлантириш борасида ҳам муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Нутқининг сўнгига Ўзбекистон Президенти Россия Федерацияси Президентини 2024 йилда Ташкентда раислиқни қабул қилиб олгани билан табриклади.

Саммит якунида МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор битим ва қарорлар қабул қилинди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга дўстлик, яхши кўшнчилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти — МДХ Фахрий нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги бир неча йилда Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик ишидаги иштироки фаоллашди.

Мамлакатимиз МДХнинг тармоқлар бўйича ҳамкорликнинг 24 та органига қўшилди, 65 та тузилмаси фаолиятида тўлиқ иштирок этмоқда.

Ушбу даврда Ўзбекистон Президентини томонидан кўплаб муҳим йўналишлар юзасидан қарийб 70 та ташаббус илгари сурилди. Уларнинг аксарияти Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар томонидан кўллаб-қувватланиб, рўйга чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев МДХ саммити доирасида Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан учрашув ўтказди.

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Етакчилар Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали алоқалар жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсмокда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш давом этмокда.

Маданият, кинематография ва спорт соҳасида қўша тадбирлар мунтазам ўтказиб борилмокда.

Давлат раҳбарлари савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича ўзаро мувофиқлашган чораларни қўриш, жумладан, Хукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, Худудлар форуми ҳамда Ўзбекистон ва Беларусь етакчи олий таълим муассасалари ректорларининг учрашувини ташкил этиш муҳимлигини қайд этдилар.

МДХ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Қадрли ҳамкасблар!

Аввало, Қирғиз Республикаси Президенти, ҳурматли Садир Нурғожоевич Жапаровга аънанавий илиқ қабул ва саммитни юксак даражада ташкил этгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Биз Ўзбекистонда Қирғизистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислигининг самарали якунларини юксак баҳолаймиз.

Бу даврда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида катта ишлар амалга оширилди, кўп томонлама қатор муҳим ҳужжатлар, жумладан, Хизматларнинг эркин савдо зонаси тўғрисидаги битим қабул қилинди.

Биз, шунингдек, кун тартибининг янги йўллари ва ҳавф-хатарларни қарорлар лойиҳаларини кўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Бизнинг учрашувимиз глобал геосиёсий кескинлик кучаяётган бир шароитда ўтмокда. Барча ҳамкасбларим ўз чиқишларида олдимизда турган умумий таҳдид ва хавф-хатарларни қайд қилиб ўтдилар.

Минг афсуски, дунёнинг турли минтақаларидаги кескинлашиб бораётган зиддиятларнинг оқибатлари барча мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатмокда.

Бундай вазиятда биз МДХ бўйича шерикларимиз билан ҳамкорликнинг янги йўллари ва механизмларини излашда давом этамиз.

Гап, аввало, муқобил савдо-логистика йўналишларини шакллантириш,

қўшилган қийматнинг қисқа ва янада самарали занжирларини яратиш, мамлакатларимиз иқтисодиётидаги бир-бирини тўлдирадиган захиралардан имкон қадар юқори даражада фойдаланиш, бизнес алоқаларини рағбатлантириш ҳақида бормокда.

Биз пайдо бўладиган хавф-хатарларни биргаликда баҳолаш, мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар ва ностандарт қарорларни қабул қилиш учун МДХ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ноёб платформаси тўлиқ ишга солинишидан манфаатдоримиз.

Шу муносабат билан Ҳамдўстликнинг узоқ муддатли янги кун тартибини ишлаб чиқиш учун мамлакатларимизнинг етакчи таҳлил марказлари ва экспертларини иштирокида конференция ташкил этиш имкониятини кўриб чиқишни таклиф қиламан.

Қадрли ҳамкасблар!

Жорий йил бошидан буён Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик мамлакатлари билан таъки савдо ҳажми атиги 5 фоизга ошди. Шу билан бирга, ўсиш суръатларининг секинлашиш тенденцияси кузатилмокда.

Юқори даражадаги экспертларимиз учрашувлари натижалари тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш йўлида ҳали ҳам кўплаб тўсиқлар мавжудлигидан далолат беради.

Биз қўйидагиларни таклиф этамиз:

биринчидан, Эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги шартноманинг товарларни олиб қўйишга доир қоидаларини қайта кўриб чиқиш. Шартнома имзоланганидан буён етарлича вақт ўтди ҳамда ушбу ҳужжатни бизнинг асосий мақсад ва вазифаларимиз билан тўлиқ мувофиқлаштириш вақти келди;

иккинчидан, импорт ўрнини босишга қаратилган миллий дастурларни ўзаро уйғунлаштириш;

учинчидан, давлат харидлари бозорига имтиёзли кириш ҳуқуқини ўзаро келишув асосида тақдим этиш имкониятларини кўриб чиқиш;

тўртинчидан, қўшма улгуржи тақсимлаш ва логистика марказларини ташкил этишни кўллаб-қувватлаш дастурини қабул қилиш;

бешинчидан, электрон савдони ривожлантиришни, жумладан, мавжуд платформаларни кенгайтириш йўли билан рағбатлантириш.

Яна бир муҳим жиҳат бу — ўзаро савдодаги техник тўсиқлар ва мувофиқликни баҳолаш бўйича ишлар натижаларини тан олиш тўғрисидаги МДХ битимларининг қабул қилинишини жадаллаштиришдан иборат.

Ушбу масалаларнинг барчаси Ҳамдўстлик Иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига киритилиши зарур.

Саноат кооперацияси истиқболлари масаласига алоҳида тўхталиб ўтмокчиман.

Бугунги кунда МДХ мамлакатлари билан қўшма инвестиция лойиҳаларига доир портфелимиз ҳажми 25 миллиард доллардан ошди.

Яқинда қабул қилинган Саноат кооперациясини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг Саноат сиёсати бўйича кенгаши доирасида ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш ва лойиҳаларини илгари суриш ҳамда технопаркларни ташкил этиш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф қиламан.

Бунда харидларни молиявий кўллаб-қувватлаш, сугурта ҳисобидан қўллаб бериш ва офф-тейк харид масалаларини пухта ўйлаб кўриш муҳимдир.

Келгуси йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган “ИННОПРОМ” саноат ҳафталиги доирасида МДХ мамлакатларининг саноат кооперацияси ва инновацион ишланмалари форумини ўтказишга ҳам тайёримиз.

Энергетика соҳасида МДХга аъзо ҳар бир мамлакатнинг электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, энергия тизимларини яхлит ҳолда ишлай оладиган шароитларни яратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир устувор вазифа — Ҳамдўстлик давлатларида истеъмолчиларни юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан агросаноат комплекслари, логистика ва “экспресс” коридорларнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, тармоқни технологик модернизация қилиш ва тизимли илм-фан алмашинуви масалаларини ҳал этиш талаб этилади.

Амалдаги тармоқ кенгаши доирасида Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги янгиланган ҳамкорлик дастурини ва Агросаноат секторидида кооперациянинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимни тайёрлашни таклиф қиламиз.

Худудлараро ҳамкорлик жуда катта имкониятга эга эканини таъкидлаб ўтмокчиман. Бундай шерикликни кўллаб-қувватлаш чораларини ўз ичига олган алоҳида “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, жумладан, худудларнинг биринчи

Форумини, кўргазма ва ярмаркаларни ҳамда ишбилармон доиралар вакилларининг ўзаро ташрифларини ўтказиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Транспорт соҳасида қуйидаги имкониятларни яратиш тарафдоримиз:

— транспортнинг барча турларида мультимодал ташувларни ташкил этиш орқали транспорт коридорларини ривожлантириш;

— асосий минтақавий коридорлар орқали юкларни ташишда бизнес учун жозибдор шартларни шакллантириш;

— йўловчи ва юк ташишда бошқариш жараёнларини ва кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштириш;

— транспорт инфраструктураси ва ҳаракат таркибини модернизация қилиш дастурларини, лойиҳаларини амалга ошириш.

Биз, шунингдек, МДХнинг Давлатлараро экологик кенгашига Ўзбекистоннинг қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилдик.

Келгуси йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган Халқаро иқлим форуми доирасида Ҳамдўстлик давлатлари ҳудудидаги экологик таҳдид ва хавф-хатарларга бағишланган махсус ялпи сессияни ўтказишни таклиф қиламиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Қаҳдими Самарқанд шаҳрига 2024 йилда “**Ҳамдўстликнинг маданий пойтахти**” мақомини бериш масаласини кўллаб-қувватлаганингиз учун сизларга чукюр миннатдорлик билдираман.

Шу муносабат билан келгуси йил баҳорда Самарқандда МДХ давлатларининг маданият, санъат ва кино ҳафталигини ўтказишни таклиф қиламиз.

Ёшлар сиёсати соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масаласи, айниқса, долзарб аҳамиятга эгадир.

Биз янги қўшма лойиҳамиз доирасида келгуси йилда “**Ҳамдўстликнинг ёшлар пойтахти**” деб эълон қилинган Тошкент шаҳрида тадбирларга бой дастурни тайёрлаямиз.

Шунингдек, “Ҳамдўстлик кубоги” футбол турнирини қайта тиклаш ва ёшларимиз жамоалари ўртасида навбатдаги учрашувларни Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қиламан.

Халқаро рус тили таълимоти таъсис этиш тўғрисидаги шартномани қабул қилишни кўллаб-қувватлаймиз. Рус тилида таълим берадиган техник мутахассисликлар бўйича ўқитувчиларни тайёрлаш дастурини ишлаб чиқишни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамдўстликнинг ягона туристик маконини тарғиб қилиш доирасида қўшма дастурлар ва туристик маҳсулотларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёримиз.

Қадрли ҳамкасблар!

Россия Федерацияси томонидан келгуси йил учун Ҳамдўстликка раисликнинг қабул қилиб олинishi муносабати билан ҳурматли Владимир Владимирович Путин номига билдирилган табрик сўзларига қўшиламан.

Ушбу муҳим ва масъулиятли вазифани бажаришда чин дилдан омадлар тилайман.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

ҚИЗИЛТЕПА: ТАШАББУСЛАР РЎЁБГА
ЧИҚАЁТГАН МАНЗИЛ

Қизилтепа туманининг Таовис маҳалласи аҳолиси учун узоқ йиллар имконсиз туылган масалалар ижобий ечим топмоқда. Жумладан, йўл, ичимлик сув, электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда.

Хусусан, “Навоий сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти Қизилтепа туман бўлими томонидан ичимлик сув тармоғи тортилиши билан маҳалла аҳлининг бир неча йиллик орзуси ушалди.

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан туманда 36,1 миллиард сўмлик маблағ ҳисобидан жами 140,9 километр узунликда ичимлик сув тармоғи тортиш режалаштирилган. Шунингдек, электр таъминотидаги узилтишларга ҳам барҳам бериш чоралари қўйилди. Жумладан, Таовис маҳалласида 2 та янги трансформатор пункти ўрнатилиб, 4 километрдан ортиқ электр энергияси тармоғи таъмирланди. Бундан ташқари, туманда муқобил энергиядан фойдаланиш, қуёш панелларини ўрнатиш ишлари ҳам давом эттирилмоқда. Худуддаги йўлсозлик ишлари авжида. Аҳолининг узоғини яқин, мушкулчини осон қилувчи текис ва раван йўллар барпо этилмоқда.

Туманда ўтган йиллар мобайнида амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари натижасида ҳудуд инфратузилмаси яхшиланмоқда, қатор ижтимоий соҳа объектлари ўзгача

қийфа касб этмоқда, янги кўп қаватли турар жой бинолари қурилмоқда. Экспортбop ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўлами кенгайди, натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Тадбиркорлар юрти бўлган Қизилтепа туманига инвесторларнинг қизиқиши ортиб бормоқда.

— Туманимизда жорий йилнинг ўтган даврида қиймати 446 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, 70 километр ички йўллар, 48 километр умумфойдаланишдаги йўллар асфальтлаштирилди. Бундан ташқари, 200 километрга яқин ичимлик сув тармоғи янгидан тортилиб, 5 та янги ичимлик сув иншооти қурилди. 20 километр электр энергияси тармоғи янгиланди. 5 та янги маҳалла биноси, 2 та мактаб ва 1 та таълим муассасаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Туман маркази ва ҳудудларда кўп қаватли уйлар қурилиши давом этмоқда. “Янги Ўзбекистон” массивидаги янги кўп қаватли уй-жойлар туманимиз аҳолиси

учун жуда қувончли бўлди, — дейди Қизилтепа тумани ҳокими ўринбосари Ҳасан Алиев.

Туманда таълим тизимида ҳам ислохотлар давом эттирилмоқда. Таълимда сифат ва самарадорликка эришиш эса боғчадан бошланади. Ҳозирда фарзандларимиз мактабга боришдан олдин ушбу муассасаларда сабоқ чиқариб, тарбияланапти. Чет тилларида ҳам ёшига мос билимга эга бўляпти. Мусиқа ва санъат, спорт бўйича турли тўғарак машғулотлари келажак авлодининг ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топишига ёрдам берапти. Эътиборли жиҳати, улар доим шифокорлар назоратида. Мутахассислар мактабгача таълим ташкилотларида бориб, болаларни тиббий қўриқдан ўтказиб, керакли тавсиялар бериб, зарурат туғилса, муолажа қилмоқда. Бугунги кунда туманда 177 та, яъни 37 та давлат, 140 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, ҳудуддаги 3-7 ёшгача бўлган 12 мингдан ортиқ боланинг 75,6 фоизи қамраб олинган.

Туманда 39 та умумий ўрта таълим, 2 та ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ҳамда 1 та айрим фанлар чуқур ўргатилишига ихтисослашган мактаб-интернати ва 1 та баркамол авлод болалар мактаби мавжуд. Ўқитувчиларнинг ўз устида доимий ишлаши, замонавий педагогик технологиялар ва самарали ўқитиш методларидан фойдаланиши таълим сифати ошишига ёрдам берапти.

Хусусан, 2022-2023 ўқув йилида 270 та чет тили фан ўқитувчиларидан 243 таси халқаро сертификатга эга бўлди. Она тили ва адабиёт, информатика ва ахборот технологиялари, математика, кимё, тарих, рус тили фан ўқитувчиларидан 230 нафари халқаро ва миллий сертификатлари қўлга киритди. Шунингдек, мактабларда ўқувчиларга сифатли таълим бе-

“

Туманда 39 та умумий ўрта таълим, 2 та ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ҳамда 1 та айрим фанлар чуқур ўргатилишига ихтисослашган мактаб-интернати ва 1 та баркамол авлод болалар мактаби мавжуд. Ўқитувчиларнинг ўз устида доимий ишлаши, замонавий педагогик технологиялар ва самарали ўқитиш методларидан фойдаланиши таълим сифати ошишига ёрдам берапти.

риш мақсадида муносиб шароитлар яратилган. Жумладан, туман ихтисослаштирилган мактаби ўқувчилари жорий ўқув йилини янги бинода бошлади. 11,5 миллиард сўмлик маблағ эвазига замонавий типда қуриб, фойдаланишга топширилган мактабнинг лаборатория ва робототехника ўқув хоналари ҳам хориждан келтирилган энг сўнгги замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Табиийки, ўқувчиларнинг бундай шароитда билим олиши ва инновацион ғоялар устида ишлаш иштиёқи ҳам кучли бўлади.

— Мактабимизда 310 нафар ўқувчига аниқ ва табиий фанлар бўйича ихтисослаштирилган тарзда таълим берилади. Ҳар чоракда ўқитувчилар малакаси ва ўқувчиларимиз билими синовдан ўтказиб борилади. Ана шундай баҳолаш тизими бўйича мактабимиз республикадаги ихтисослаштирилган мактаблар ўртасида бир неча маротаба биринчи ўринни қўлга киритди. Мактабимиздаги таълим самарасига эътибор беринг: ўтган ўқув йилида битирувчиларнинг барчаси олий таълим муассасаларига қабул қилиниб, талаба бўлди, — дейди Қизилтепа тумани ихтисослаштирилган мактаби директори Меҳринисо Золова.

Ўқорида таъкидлаганимиздек, Қизилтепани тадбиркорлар юрти, деб таърифлашади. Бу бежиз эмас, ал-

батта. Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичи ишлаб чиқариш, тадбиркорлик соҳалари билан боғлиқ. Туманда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 912 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ўсиш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,3 фоизни ташкил этди. Шунингдек, 283 миллиард сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди.

Қизилтепа тумани инновацион ҳудуд бўлиб, тадбиркор ва ишбилармонлар соҳага янгилик киритиш, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, экспортни кенгайтиришга катта улуш қўшапти. Россия билан ҳамкорликда инвестиция дастури асосида қурилиш қўлқоплари ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қиймати 10 миллион долларлик янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Ҳозирда лойиҳанинг биринчи босқичи ишга туширилди ва 140 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, корхонада 1200 дан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тўлиқ экспортга йўналтирилади. Ҳозирда Россияга етказиб бериш бошланган. Бундай муваффақият замирида тадбиркорларнинг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, берилаётган имконият ва имтиёзлар муккасидан.

Тадбиркорлик йўналишида қулай ишбилармонлик муҳити, қолаверса, ёшлар етакчилари тавсияси билан берилаётган кўмаклардан ёшлар ҳам самарали фойдаланмоқда.

Навқирон маҳалласида яшовчи Қодиржон Каримов беданачилик билан шуғулланиб, оиласига даромад келтирмоқда. Фаолиятини бошлаш учун унга дастлаб 12 миллион сўмлик инкубатор аппарати субсидия асосида берилган эди. Айни вақтда Қодиржон фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш билан тендoшлар бандлигини таъминлашни мақсад қилган.

Албатта, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббус ва ғоялари, тақлифлари инobatга олиниб, зарур ёрдам кўрсатилаётгани ўз самарасини бермоқда. Гумбаз маҳалласида истиқомат қилувчи 27 ёшли Ёрқиной Ёқубованинг ҳам тақлифи инobatга олиниб, унга субсидия асосида печ олиб берилган эди. Ҳозирда у оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйиб, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Қайнона-келин тайёрлаётган ширинликлар туманда харидорғир.

— Оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни режалаштиришда дастлаб иккиландим. Аммо ёшлар етакчисига тақлифимни билдирганимда мутасаддилар ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Уларнинг кўмаги билан субсидия асосида печ берилди. Мутахассислар ҳам маслаҳатларини аямади. Айни вақтда ишлаб чиқариш жараёнини янада кенгайтириш бўйича янги режалар асосида амалий ишларга киришганимиз, — дейди Ёрқиной Ёқубова.

Бир сўз билан айтганда, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, турар жой ҳамда иш билан таъминлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий муаммоларини ижобий ҳал этиш, келажак авлодининг таълим-тарбияси бўйича олиб борилаётган ишлар қўламин кенг ва салмоқли. Муҳими, барчаси инсон қадри учун ва Қизилтепа тумани аҳолиси бунини ўз ҳаётида ҳис этиб, амалий ифодасини кўрмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ТУРИЗМ

ДУНЁ НИГОҲИ ЯНА
Самарқандда

Шу кунларда қадимий ва навқирон Самарқандда бутун дунё аҳлининг эътиборини ўзига жалб этадиган яна бир муҳим халқаро анжуманга қизгин тараддуд кўрилмоқда. Бу азим диёрда жорий йил 16–20 октябрь кунлари Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-юбилей сессияси бўлиб ўтади.



Айтиш жоизки, Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта БМТ оиласига кирувчи ташкилотнинг энг муҳим тадбири ҳисобланган ва икки йилда бир марта ўтказиладиган Бош ассамблеяга мезбонлик қилмоқда.

Кўни кеча бўлиб ўтган туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари шу хусусида тўхталиб, ушбу тадбир мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини кўрсатиш учун жуда катта имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Шу боис, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан соҳа вакилларини жалб қилиб, ҳар бир ҳудуднинг тарихи, табиати, маданияти, зиёратгоҳлари, овқатлари, сайёҳлик масканлари ва маршрутларини намойиш этиш, лойиҳалар тақлиф қилиб, келишувларга эришиш зарурлиги таъкидланди. Туристларни янада кенг жалб қилиш мақсадида нафақат сайёҳлик, балки халқимиз ўзлиги, миллий қадрият ва анъаналаримизни намоян этувчи маданий тадбирларни қўллайтириш топшириғи берилди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон 2023-2027 йиллар учун UNWTO ижроия кенгашининг ваколатлар бўйича қўмитаси аъзоллигига қабул қилинди. Бу UNWTO ижроия кенгаши томонидан қабул қилинадиган муҳим қарор ва ҳужжатлар, уларда аъзо давлатлар иштирокининг ҳаққонийлиги ва тамойилларга мослигини назорат қилиш ваколати Ўзбекистонга ишониб топширилганини билдиради. Мамлакатимизга халқаро миёёсда билдирилган бундай ишонч юртимизнинг



нафақат жаҳон туризм бозоридagi позицияси мустаҳкамлигини, балки халқаро муносабатлардаги фаолиятини ҳам нечоғли самарали эканини намоян қилади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистон юритаётган прогрессив ва тинчликпарвар ташқи сиёсат туфайли мамлакатимиз ташқи дунёга очилди, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув кучайди. Қўллаб-қўриқли мамлакатлар фуқаролари учун юртимизга виза олиш тартиби бекор қилинди ёки соддалаштирилди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган тарихий ўзгаришлар, очиклик, ошкоралик, шэф-фoфликнинг кенгайгани, эркинлик, тинчлик-хотиржамлик барқарорлиги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеини янада мустаҳкамлади. Бу, ўз навбатида, юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар сони бир неча баробар ортишига сабаб бўлди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Туризм қўмитасидан маълум

қилишларича, жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизга хориждан 4,3 миллион сайёҳ ташриф буюрган. Бу рақам 2022 йилнинг шу даври билан солиштирилганда 20 фоиз кўп. Шунингдек, икки сайёҳлар сони қарийб 15 миллионни ташкил этди ва бу борадаги режа 124 фоизлик кўрсаткичга етди.

Сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш борасида ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди. Хусусан, 125 та янги меҳмонхона, 96 та хостел барпо этилди. Эндликда жами жойлаштириш воситалари сони 1894 та, улардаги ўринлар сони қарийб 98 мингга етди. 239 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилиб,

уларнинг умумий сони 3215 тага борди, ўринлар сони 28 мингдан ошди. Туристларга хизмат кўрсатувчи 559 та янги ташкилот ва турагентлар фаолияти йўлга қўйилди. Натижада сайёҳларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган шундай тузилмалар сони икки минг тўрт юздан зиёдни ташкил этмоқда.

Сайёҳлар ташриф буюрадиган иншоотлар, автомобилларга ёқилиш қўйиш шохбчалари, йўл бўйлари, аҳоли гавжум жойларда етти юздан кўпроқ санитария-гигиена шохбчаси қурилди ва таъмирланди. 15 та туризм ахборот маркази ташкил этилди ва бундай тузилмалар сони 168 тага етди. Йил якунига қадар

“

Ўзбекистон жуда катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга, унда жами 8,2 минг маданий мерос объекти мавжуд. Улардан 209 таси тўртта музей шаҳарлар — Хива шаҳридаги Ичанқалъа, Бухоро, Шахрисабз ҳамда Самарқанд шаҳарларининг тарихий марказларида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.



бундай ахборот марказлари сонини 173 тага етказиш режалаштирилган.

Соҳани ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилаётган ана шундай изчил эътибор туфайли юртимизда жорий йилнинг 9 ойида 1,7 миллиард долларлик туризм хизмати экспорти амалга оширилди. Йил бошидан буён туризм ва унга ёндoш соҳаларда 61 минг янги иш ўрни яратилди.

— Йил якунига қадар бу кўрсаткичларни янада ошириш мақсад қилинган, — дейди Туризм қўмитаси бошқарма бошлиғи, иқтисод фанлари доктори Шухрат Исоқов. — Хусусан, хорижлик сайёҳлар сонини 7 миллион, маҳаллий сайёҳлар сони 20 миллионга етказиш режалаштирилган. Натижада соҳада ўтган йилга нисбатан икки баробар ўсишга эришилди ва туризм хизмати экспорти ҳажми 2 миллиард долларга етказилди.

Ўзбекистон жуда катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга, унда жами 8,2 минг маданий мерос объекти мавжуд. Улардан 209 таси тўртта музей шаҳарлар — Хива шаҳридаги Ичанқалъа, Бухоро, Шахрисабз ҳамда Самарқанд шаҳарларининг тарихий марказларида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Мамлакатимизда туризм соҳасини бир пайтнинг ўзига ҳам миллий, ҳам замонавий мезонлар асосида ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусияти, қулай ва табиий имкониятларидан унумли фойдаланишга катта эътибор қаратиляпти.

Хусусан, ўтган йили Самарқандда “Буюк ипак йўли” халқаро туризм

марказининг барпо этилиши соҳа ривожига муҳим қадам бўлди. Бу кўп тармоқли марказ таркибида 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, “Боқий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр ва кўплаб бошқа иншоотлар бор. У йилига 2 миллион туристга хизмат кўрсатишни мумкин.

Президентимиз 2022 йил 19 сентябрь кўни мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида соҳа мутасаддиларига элчиҳоналар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда “Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси” бреднини тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Айни пайтда бу йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг Самарқандда ўтказилиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш, маданий ва туризм салоҳиятини тарғиб қилишда янги имкониятлар тақдим этади.

Форум туризм секторидagi имкониятларни ўрганиш учун глобал манфаатдор томонларни, саноат раҳбарларини ва инвесторларни бirlаштиради. Мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини намойиш қилиш, шунингдек, иштирокчилар ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга замин яратади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



МИЛЛИЙ ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ ТИЗИМИ

НАФАҚАТ ЙЎЛЛАРНИ, БАЛКИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ ҲАМ БОҒЛАЙДИ

Убайдулло ҒАФУРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Иқтисодиётда ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, маҳсулотни ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш, яъни тезкор транспорт хизматлари кўрсатиш ҳам шунчалик заруратдир. Давлатлар ўртасидаги савдо алоқалари ривожига ҳам кўп жиҳатдан транспорт логистикасига боғлиқ. Авваллари бу вазифани савдо карвонлари зиммасига олган бўлса, бугунга келиб ҳеч бир мамлакат иқтисодий тараққиётини замонавий транспорт логистикасиз тасаввур этиб бўлмайди.



Гап йўл инфратузилмасини яхшилаш, ички ва ташқи транспорт ташувларини кенгайтириш, жаҳон бозорига олиб борувчи янги йўللار очиш, юк ташувларида энг замонавий транспорт воситаларидан фойдаланиш кабилар ҳақида бормоқда. Ҳозир бу давлатлар иқтисодий ривожига асосий ўринни эгаллаётган жиҳатлардан бири. Боиси, самарадор логистика ташқи бозорда мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш билан бирга, жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнини тезлаштиради.

Ўзбекистон бунинг яққол мисоли. Яқин йилларгача миллий транспорт логистикаси тизими деярли эътибордан четда қолгани сир эмас. Асосий юкларимиз Қозоғистон транзит йўлаклари орқали ташилган ва бу йўналиш имкониятлари эҳтиёжларимизни тўла қондира олмаган. Товарларни юртимиз ҳудудига олиб киришда электровозлар, замонавий терминаллар етишмаслиги, темир йўл тармоқларидаги бандлик маҳсулотларнинг муайян муддат қолиб кетишига сабаб бўлиб, иқтисодиётимизга салбий таъсир кўрсатгани рост. Умуман, бу йўналишда эскича усулда ишлаб келинган ва янгилаштириш ҳаракат бўлмаган. Балки шунинг учундир, соҳада олти йил олдин бошланган тубдан янгилаш ишлари осон кечмапти.

Шунга қарамай, қисқа вақтда юртимиз миллий транспорт логистикаси тизимининг янги қиёфаси шакллана бошлади. Натижадан ҳам узок куттирмади. Ўзбекистон маҳсулотлари жаҳон бозорига чи-

ри сифатида биладиган автотранспорт, темир йўл, ҳаво йўллари, метрополитен тизимлари илгари алоҳида ташкилотлар тарзида фаолият юритиб келган. Давлатимиз раҳбарининг қарори билан 2019 йилда уларнинг бари Транспорт вазирлиги негизига бириктирилди. Бугун улар соҳада мавжуд муаммоларни умумий, деб билгани ҳолда, ислохотларни ҳам биригаликда амалга оширмоқда.

Ўзбекистон географик жиҳатдан Европа ва Осиёни ўзаро бирлаштирувчи ҳамда Марказий Осиё давлатлари ўртасида турли транзит юкларни мамлакат ҳудудидан ўтказиш салоҳияти билан ажралиб туради. Денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти мавжуд бўлмагани сабабли бизда юкларнинг асосий қисми темир йўл орқали ташилади. Бироқ бугунги кунда мазкур салоҳиятдан фойдаланиш даражаси етарли эмас. Темир йўл транспортининг тўлиқ қувват билан ишлаётганини, кўрсатилаётган хизматларнинг жаҳон стандартига мос келмаслиги имкониятларимизни чегараламоқда. Ваҳоланки, халқаро экспертлар хулосасига кўра, транспорт инфратузилмасини яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболли йўналишларни шакллантириш ҳисобиغا Ўзбекистонда транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллиондан 16 миллион тоннага етказиш имконияти мавжуд.

Дунёда Ўзбекистон каби тўғридан-тўғри денгизга чиқолмайдиган давлатлар сони 44 тани ташкил қилади. Аммо



қиб, 2022 йилда 32 та мамлакатга кириб борди. Экспорт ҳам, савдо алоқалари ҳам, маҳсулот етказиб бериш ҳамми ҳам шунга мос равишда бир неча баробар ортган. Бу тадбиркорлик, миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамми ўсиб бораётганидан далолат.

Эндликда дунёнинг энг йирик бозорлари, биз учун олис бўлган дийёрларга қисқа, арзон ва қулай йўллар орқали етиб бориш, логистика хизматлари сифати ва қўламлини янада кенгайтириш бўйича ишлар давом этмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам юртимизнинг транспорт логистикаси тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш ва миллий транспорт тизими салоҳиятини ошириш вазифаси белгиланган. Юртимиз ҳудуди орқали транзит юклар ташини ҳажмини 16 миллион тоннага етказиш мақсади ҳам бунинг бир қисми.

Муҳим ташув воситаси

Транспорт воситалари икки асосий йўналиш — аҳоли ташини ва юк ташини ўз ичига олади. Биз транспорт воситала-

ларнинг 42 таси денгизга чиқиш учун бир мамлакат чегарасидан ўтса, биз камида икки давлат ҳудудидан ўтишимиз керак. Бу хориж бозорларига киришда қийинчилик туғдириш билан бирга, сарф-харажатларни ҳам оширади. Масалан, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчи учун жаҳон бозорига чиқиш Германиядаги экспортёрга нисбатан 4 баробар қimmatга тушади.

Аммо бу муаммоларни транспорт харажатларини пайсантириш, ташувлар тезлигини оширишга қаратилган самарали транспорт сиёсати юритиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бунга Марказий Осиё давлатлари биригаликда, ўзаро ҳамкорликда эришиши самаралироқ бўлади. Шу боис, ушбу йўналишда қўшниларимиз билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, биригаликда йирик лойиҳаларни амалга ошириш ҳаракатлари тобора фаоллашиб борапти.

Улардан бири Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўлини барпо этиш лойиҳасидир. Мазкур йўлни қуриш ишлари жадаллаштирилаётгани беҳиз эмас. Боиси, у Хитойни Европа ва Яқин

Шарқ мамлакатлари билан боғлайдиган энг қисқа йўналишга айланади. Мавжуд йўналишларга қараганда, масофа 900 километр, юкларни етказиб бериш муддати эса 7-8 кун қисқаради. Лойиҳа истиқболлари 2020 йилда ишга тушган Қашгар — Ирқиштом — Ўш — Андижон — Ташкент автомобиль йўлига орқали намоён бўлмоқда. Бу йўл Марказий Осиёдан автомобиль транспорти воситаларининг Хитойга тезроқ етиб боришига имкон берапти.

Умуман, сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақасида транспорт логистикаси соҳасида мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳити яратилди. Бунда Ўзбекистон илгари сураётган ташаббуслар, саъй-ҳаракатлари алоҳида ўрин тутди. Жумладан, 2021 йилда Исрол тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг пойтахтимизда ўтказилган 46-йиллик йиғилишида давлатимиз раҳбари “Ғарбий Африкадан Шарқий Осиёгача яшил йўлак” савдо-иқтисодий маконини шакллантириш ташаббуслари илгари сурди. Унинг амалга оширилиши ўзаро савдо ва сармоявий алоқалар кенгайиши, эркин савдонинг рағбатлантириш, транспорт ва логистика инфратузилмаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Ҳали бу борада кўзланган кўп лойиҳалар бор. Бунда темир йўл тизими асосий воситалардан бири бўлади. Стратегияда шимолӣ йўналишда темир йўл орқали юк ташини муддатини 40 фоиз қисқартириш, йўловчи ва юк ташини хизматлари ҳажмини 3 баробар ошириш, Ташкент — Самарқанд, Самарқанд — Навоий — Бухоро йўналишларида янги темир йўллари қуриш, теъзорар поездларда йўловчи ташини 2,5 баробар қўпайтириш каби вазифалар ҳам бор. Буларга тезроқ эришиш мақсадида соҳани замонавийлаштириш, рақамлаштириш ишлари кечяпти. 2030 йилга бориб, Ўзбекистонда электрлаштирилган темир йўллари улуши ҳозирги 38 фоиздан 65 фоизга етказилади. Секин-аста мамлакатимиз транспорт логистикаси тизимида бозор тамойилларига ўтилиб, соҳага хусусий ва хорижий операторлар жалб этилапти. Жумладан, темир ва ҳаво йўллари транспортда йўловчи ва юк ташини хизматлари тарифлари шаклланишида бозор тамойилларига ўтиш соҳа ривожига хизмат қилади.

Шартларни эркинлаштириш борасида

Охириги йилларда фуқароларимизнинг хорижга чиқиши, юртимизга сайёҳлар оқими кескин ошган. Халқаро сафарларда эса йўловчиларнинг аксарияти ҳаво транспортидан фойдаланади. Шу боис, тизимни замон талабларига мослаштириш, юқори даражада хизмат кўрсатишга талаб ортиб борапти.

Стратегияда ҳам мамлакатимизда ҳаво транспортини ривожлантириш билан боғлиқ қўллаб-вазифаларга эътибор қаратилган. Самарадорлиги паст бўлган ҳудудий аэропортларни давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва ишончли бошқарувга бериш, хусусий авиакомпаниялар сонини 10 тага етказиш, авиақатновлар сонини 4 баробар ошириш, барча аэропортларда стратегик ҳамкорлар билан “Очиқ осмон” режими-ни жорий қилиш, республика авиапаркини 100 тага етказиш кабилар шулар жумласидан.

Фуқаро авиациясида “Очиқ осмон” режими хорижий авиакомпаниялар учун мамлакат аэропортларидан фойдаланиш шартларини эркинлаштириш ва киришни енгиллаштиришни англатади. Хорижий авиакомпанияларнинг Ўзбекистонга кириб келиши иқтисодиётга сезиларли фойда келтиради. Масалан, Самарқанд аэропортига қўнган хорижий авиакомпания самолёти учини йўлагини учун пул тўлайди. Шунингдек, аэропортда қолган ҳар бир соати, ёқилғи олгани ва бошқа хизматлар учун ҳам тўловлар мавжуд. Самолётдаги йўловчилар эса аэропорт терминали, автотранспортдан фойдаланиш, меҳмонхонада яшаш орқали молиявий оқимни оширади.

Умуман, юртимизда миллий транспорт тизими салоҳиятини ошириш ҳамда глобал транспорт логистикаси тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш асосий вазифалардан бирига айланган. Бу иқтисодий фаровонлиқнинг муҳим қисмларидан бири ва бу борадаги вазифаларни ўз вақтида бажариш Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидagi ўрнини янада мустаҳкамлашга, иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилади.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ БИЛАН УЙҒУН ҲУЖЖАТ

Унда халқ хоҳиш-иродаси ва янги орзу-умидлари акс этган

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Кучли ижтимоий ҳимоя барқарор тараққиётга эришиш ва жамиятда фаровонлиқни юксалтиришнинг муҳим омилидир. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ўз аксини топган бу тамойил инсон қадри ва манфаатларига хизмат қилиши билан аҳамиятли. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистон сиёсатининг бош мақсади, давлат ва жамият ривожига асосий дастак, бағрикенг, олижаноб халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилди. Зотан, бугун ҳаётимиздаги ёрқин ўзгаришлар, улуғвор орзуларимиз ҳам, аслида, инсон манфаатлари йўлидаги ташаббусларнинг ўзига хос инъикоси, десак асло муболага бўлмайди.



Бугун мамлакатимиз барча жабҳада жадал илдамлаётгани, турли соҳадаги ислохотлар самараси бир мақсадга — инсон ва унинг манфаатларига қаратилгани глобал аҳборот майдониди бирдек эътироф этилмоқда. Аслида, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, жаҳон миқёсида ишонч инқирозни қузатилаётган, кенг қўламдаги кескинлик, геосиёсий қарама-қаршилиқлар ортан, бутун башарият тақдирига дахлдор масалаларда ўзаро мулоқот издан чиққан бир шароитда бунга эришиш осон бўлмаётгани ҳам рост. Шунга қарамай, юртимизда ҳар бир инсон учун, миллати, тили, дини ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, муносиб

даги барча туманлар шароитига кўра 5 тоифага ажратилиб, табақалашган енгилликлар берилди. Аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, касбга тайёрлаш ва иш ўринларини қўпайтиришга қаратилган комплекс вазифалар ижросига киришилди. Натижада биргина ўтган йилнинг ўзиди 1 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Бундан ташқари, ҳар йили оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1 триллион 500 миллиард сўм миқдорда субсидия ажратилаётгани, “Ижтимоий ҳимоя реестри” орқали 2 миллион 300 минг муҳтож оила, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган ф-



ва фаровон ҳаётни яратиш йўлида эришилаётган ютуқлар сония салмоғидан кўнгил кўтариллади.

Бешта устувор йўналишда 100 та аниқ мақсадни қамраб олган стратегик ҳужжат инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш йўлида дастуриламал бўлгусидир.

Жумладан, камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион аҳолининг даромадини ошириш, ижтимоий шериклик асосида 500 минг малакали мутахассисни тайёрлаш, меҳнатга лаёқатли фуқароларни, айниқса, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни доимий банд қилиш орқали ишсизлик даражасини кескин камайтириш, 2 миллион кишини касб-ҳунар, хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўникмалари бўйича ўқитиш ҳамда бу соҳада хусусий сектор улушини 30 фоизга етказиш, касбга ўқитиш марказларининг 1,6 минг ўқитувчисини халқаро стандартлар асосида малакасини ошириш белгиланмоқда.

Яхши эслаймиз, бир замонлар аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжуд бўлса-да, бу хусусда помим дейишга ҳаддимиз сикмас эди. Тан олинмаган ва қайсидир маънода “ёпилғи қозон ёпилғилгича қолиши керак”, деган тутум туфайли камбағаллик муаммоси алалоқибат ижтимоий ҳаётимизда қатор иллатларни келтириб чиқаргани сир эмас. Сўнгги йилларда эса жамиятимизда камбағаллик борлиги нафақат тан олинди, балки уни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилинди. Юртимиз-

қароларга ёрдам берилаётгани яна бир диққатга молиқ жиҳатдир.

Ҳеч шубҳа йўқки, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси бу борадаги ишлар натижадорлигини янги поғонага олиб чиқади.

Мазкур ҳужжатда ҳар бир инсонга салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароит яратиш йўлида ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини ҳам тубдан такомиллаштириш механизми аниқ-тиниқ келтирилган.

Бу йўналишдаги чора-тадбирлар негизда жамиятда тенгсизлик ва камбағаллик хавфини юмшатиш, бунинг учун, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам билан ишлашда эскирган ва ўзини оқламаган услублардан воз кечиш мақсади яққол кўринади.

Дейлик, ижтимоий хизматларни маъмуавий амалга ошириш учун барча туман ва шаҳарларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолиятини йўлга қўйилиши, ногиронлиги бўлган шахсларни сифатли ва замонавий протез-ортопедия бўюмлари билан таъминлаш даражасини юз фоизга етказиш, реабилитация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш, ушбу тоифадаги инсонларни муносиб ишга жойлаштириш орқали бандлигини икки баробар ошириш, ҳуллас, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишда тенг имкониятлар берадиган, қулай ва мақбул муҳитни яратиш инклюзив жамиятнинг барпо этиш жараёнини жадаллаштиради.

Шу билан бирга, ҳар йили республикамининг барча ҳудудидан ногиронлиги бўлган мингдан зиёд шахснинг “Тўсиқсиз туризм” дастури доирасида қадимий кентларимиздан саналмиш Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёхатлари ташкил этилиши аини мудоаа, албатта.

Аҳамиятлиси, стратегия асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож яна бир қатлам вакиллари — болалар ҳамда

аёллар ҳуқуқ-манфаатларини кафолатлаш тизимини ҳам янгича, самарадор ёндашувлар татбиқ этилади.

Тўғри, болалар ва аёлларни оилада ҳамда жамиятда турли зуравонликлардан, руҳий босим ва таъизлардан ҳимоялаш бўйича йиллар давомида муайян ишлар қилиб келинмоқда. Бу йўналишда ўзига хос тажриба ҳам шакллланган. Бироқ ислохотларга, қурилаётган чораларга қарамай, жамиятимизда воёга етмаганлар ва хотин-қизлар дуч келаётган салбий ҳолатлар ҳамон буткул барҳам топгани йўқ. Ижтимоий тармоқларда, ОАВда болаларнинг ўз яқинлари ёки бегона шахслар томонидан зуравонликка учраётгани ёхуд оилавий таъизлар боис, аёлларнинг ўз жонига қасд қилиши билан боғлиқ ачинарли воқеалар ёритилаётгани бунинг далили. Оиладаги зуравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг асосий жабрдийдалари кўпинча болалар бўлиб қолаётгани янада таассуфли. Мазкур ҳолатларда нафақат уларнинг ҳуқуқлари бузилаётди, балки мурғак қалбларнинг руҳий ҳолати, таълим-тарбияси издан чиқаётди.

Бундай ўқир муаммо ечими сифатида, биринчи навбатда, жамиятда болалар нисбатан таъиз ва зуравонликка тоқатсизлик маданияти шакллантирилиши, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни парваришлаш бўйича илгор шаклларнинг жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, Тараққиёт стратегиясида тенгд тенгликни таъминлаш сиёсатини илчил давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш орқали бошқарув лавозимларида уларнинг улушини 30 фоизга ошириш, маҳалларда “Аёллар дафтери” билан ишлашда шаффоф усулларни қўллаш ва бунинг устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсади илгари сурилгани қувонarli.

Оилада ва жамиятда болалар, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш бора-борида ибратни умр йўли, катта ҳаётий тажрибаси билан ёш авлодга ўрнатиб келаётган ёши улуг инсонларни қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугун давлат сиёсати даражасига чиқди.

Ўтган даврда кексаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу йўналишда ундан ортқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, нурунийларнинг ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш мақсадида “Фахрий мураббий” ордени ва “Меҳнат фахрийси” кўрак нишони таъсис этилди.

Кексалар учун барча туман ва шаҳарларда “Нурунийлар маскани” мажмуалари барпо этилди. Ишловчи пенсияерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди, вилоятлар, туман ва шаҳарларда нурунийлар жамоатчилик кенгашлари, маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ташкил қилинди. “Кексалар ҳафталиги” ва “Кексалар учун туризм ойлари”ни ўтказиш анъана тусини олди. “Бир нуруний ўн ёшга масъул” тамойили асосида маҳаллаларда маънавий-тарбиявий ишлар жонланди.

Мамлакатимизнинг 2030 йилга қадар белгиланган стратегиясида мана шу хайрли ишлар бардовомлигини таъминлаш билан бирга, нурунийларни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасидаги чора-тадбирлар қамровини камида 30 фоизгача ошириш назарда тутилган. Бундан ташқари, ҳар йили бир миллиондан ортқ отахон ва онахонларнинг ўлкамининг тарихий шаҳарлари, муқаддас қадамжолари ва сўлим гўшларига саёхати уюштирилади.

Кексаларни ардоқлаш, уларнинг кўнгли қарашдек қон-қонимизга сингиб кетган фазилатларга ҳамоҳанглик касб этган бу ташаббуслар ёши улуг инсонларда мамнуниқ, розилиқ ҳислари билан бирга, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш шубҳасиз. Кексаси бор хонадонда файзу барак, уюшқоқлик ҳукм сургани каби нурунийларни улуғланган жамиятда миллатнинг маънавий баркамоллиги ва зғру анъаналарига асло путур етмайди.

Инсон қалбига йўл эътибордан, меҳр ва мурувватдан бошланган. Инсон қалбини ҳушнуд этиш Каъбани обод этиш билан тенгдир, дейди улугларимиз. Шу маънода, юртимизда инсонни қадрлаш, “Авалл — инсон, кейин — давлат ва жамият” тамойили асосида кенг қамровли ислохотлар ўтказилиши қалбларимизда зғуғлининг буй кўрсатиб, юрт ва халқ тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайишига туртки беради. Давлатнинг ўз олдига қўйган стратегик мақсадларига эришишида инсонлардаги — у ким ва қайси касб эгаси бўлмасин — умуммиллий тараққиётга дахлдорлик туйғуси ҳал қилувчи роль ўйнаши тарихдан маълум. Бинобарин, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳар томонлама уйғун халқ стратегиясидир.



ҚИШ МАВСУМИГА ФАРҒОНАДА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА?

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Қиш ғамини ёзда кўр”, “Ёз ёпинчигингни қўйма, қишда ўзинг биласан”. Ўтган куз-қиш мавсумида кузатишган аномал совуқ бу борадаги ишларга эрта ҳозирлик кўриш, муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш зарурлигини кўрсатди. Фарғона вилоятида куз-қиш мавсумига қандай ҳозирлик кўриляпти? Мавжуд муаммоларга қай даражада ечим топилмоқда?

Кўп квартирали уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар ҳамда ижтимоий соҳа объектлари учун қулай шарт-шароит яратишда, аввало, иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти узлуксиз бўлиши, уй томлари, канализация ва ертўла қисмларини таъмирлаш муҳим ҳисобланади. Бироқ ҳамма жойда ҳам бу инфратузилмалар самарали ишлаяпти, деб бўлмайди. Чунки марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари 1950-1970 йилларда очик сув тақсимоти ҳамда бино ва иншоотларнинг иситиш тизимларини иссиқлик тармоқларига улаш схемаси асосида ташкил қилингани ўзига хос муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминотидан узилган айрим кўп хонадонли уйлар кўпгина сертификатга эга бўлмаган, ёнғин хавфсизлиги кафолатланмаган газ ва электр ускуналари билан иситилмоқда. Бу эса баъзи бир эҳтиётсизликлар туфайли кўнгилсиз фожиалар келиб чиқишига сабаб бўлиб қўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

— Кўп қаватли уйлар ва иссиқлик таъминоти тизими, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича олдимизда муҳим вазифалар турибди, — дейди Фарғона вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси шўъба мудури Сардорхон Содиқхонов. — Аввало, истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ҳамда унинг узлуксизлигини таъминлаш, иссиқлик таъминоти тизимига замонавий, тежамкор ва кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш, янгилаш ҳамда модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Абдулла Қодирий мавзесидаги кўп қаватли уй-жойларни марказлашган иссиқлик билан таъминлашда инновацион технологиялардан фойдаланилмоқда. Бу

технологиянинг афзаллиги шундаки, ҳар қандай совуқда ҳам кам энергия ва ёқилғи сарфлаган ҳолда, уйлар ва ижтимоий соҳа объектларига етарли даражада босим ва иссиқлик узатилади. Ушбу мақсадлар учун қарийб 140 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, мавзеда жойлашган 203 та кўп қаватли уй ҳамда 29 та ижтимоий соҳа объектини марказлашган иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлаш режалаштирилган. Дастур доирасида 73,4 километр магистрал иссиқлик тармоқлари янгиланди. Замонавий индивидуал иссиқлик пунктларини ўрнатиш ишлари жадал олиб борилаётган. Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, янги лойиҳа ҳудуддаги кўп қаватли уйларда бир иссиқлик даврида 21 миллион метр куб табиий газ, 9,5 миллион киловатт электр энергиясини иқтисод қилиш орқали қарийб 10,8 миллиард сўмлик маблағни тежаб қолиш, коммунал тўловлар таннарини арзонлаштириш имкониятини беради.

Вилоятда аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш ва уни беталафот ўтказиш бўйича штаб ташкил этилган. Ишчи гуруҳлар томонидан кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда иссиқлик, ичимлик сув, электр энергияси, табиий газ таъминоти тизимларини мавсумга тайёрлаш, аҳолига кўмир, сулфитирилган газ етказиб бериш, озиқ-овқат таъминоти захираларини яратиш каби масалалар билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Мавсумга тайёргарлик доирасида жами 3,841 миллион сўмлик маблағ йўналтирилиб, 6 та қозонхона, 13 та қозон ва 3,6 километр иссиқлик тармоқларини мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оши-

рилди. Республика бюджети ҳисобидан ажратилган 14,2 миллиард сўмлик маблағ эвазига 312 та кўп квартирали уйлар таъмирланмоқда.

Бугунга қадар 67 та кўп квартирали уйнинг том қисми, 445 та кириш йўлаги, 204 та электр тақсимловчи восита,

ишонч телефони ҳамда авария-диспетчерлик хизматларини ташкил этиб, 40 турдаги коммунал хизмат кўрсатишмоқда.

— Етимиш учта кўп қаватли уй-жойларга хизмат кўрсатамиз, — дейди “Фарғона Турсунали сервис” бошқарув сервис компанияси раиси Турсунали Турғунов. — Мав-



109 та кўп квартирали уйнинг ертўла қисмидаги муҳандислик тармоқлари ва коммунал хизматлари, 105 та уй ичидаги муҳандислик тармоқлари, 185 та бинонинг фасад қисмини таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, йил бошидан бўён бошқарув сервис компаниялари ҳисобидан 3 миллиард 894 миллион сўмлик маблағ йўналтирилиши ҳисобига 282 та кўп квартирали уй таъмирланди.

Хизматлар кўлами ошди, сифати яхшиланди

Кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлаш, таъмирлаш ишларини сифатли бажаришда бошқарув сервис компаниялари фаолиятининг ўрни

сум тадориги доирасида уй-жойларнинг 2 минг 200 квадрат метр том қисми, 34 та уйларга кириш йўлакларини таъмирланди, 1200 дан ортиқ буюртмалар асосида хизмат кўрсатди. Мўҳими, аҳолининг ёзилма бугун ишончи ортиб бормоқда. Бошқарув сервис компанияси ташкил этилганида аҳоли дебиторлик қарзи 1 миллиард 51 миллион сўмдан ортиқ бўлган. Бугунга келиб, қарздорлик миқдори олтимчи фоизга қисқарди. Айни кунда 3 та коммунал хизмат кўрсатиш бригадаси ташкил қилганмиш. Худудлар тозаллигини таъминлаш мақсадида ҳар жиҳатдан қулай ва арзон, шовқинсиз ишловчи электр мотороллерлар хизматидан фойдаланилмоқда. Улар ҳудудларини ободонлаштириш, санитария-гигиена талаблари асосида озода сақлаш ишларига жалб этилган. Кўрсатилаётган хизматлар



учун биллинг тўлов тизими йўлга қўйилгани ҳам иш сифати ва самарадорлигини оширмоқда. Бу тўловлар билан боғлиқ ортиқча оворагарчилик ва тушунмовчиликларнинг олдини оляпти. Микроз тўлов маблағлари

лар билан “Альтер” янги русумли қозонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулотлар иқтисодий тежамкор, узок муддат ишлаш хусусиятлари билан ажралиб туради. Янги қурилма ўтган қиш мавсумида ўз самарасини кўрсатди. Ёқилаётган кўмир сарфи уч хиссaga камайди, иситиш даражаси 2,5 баробар ошди. Бу йилига 20 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағларини иқтисод қилиш имкониятини беради. Яна бир жиҳати, кўмирни чиқиндига чиқармайди, ҳавога зарарли ташламалар кўтарилишини кескин камайтиради.

Ёзёвон тумани марказий шифохонасига ўрнатилган эски русумдаги иситиш қозонлари кунига 1600 килограмм кўмир ёқилгани сарфлаган. Тежамкор қозонлар ўрнатилган, кунлик кўмир сарфи уч хисса камайиб, кунига 1000 килограммдан ортиқ кўмир тежаланишига эришилляпти. Бу миқдорни куз-қиш мавсумига боғлаб ҳисоб-китоб қилинса, умумий 121 тонна кўмир ёқи 50 миллион сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолиш имконияти яратилди.

Мазкур амалий тажрибани вилоятдаги барча иситиш тизимларида жорий этиш, замонавий энерготежамкор, иссиқлик метъери қорғи бўлган автоматлаштирилган қозонларда ишлаш тизимига ўтказиш билан боғлиқ ишлар оммалаштирилмоқда.

“Фарғона иссиқлик таъмир” масъулияти чекланган жамиятида “Ермозор” тамғаси остида замонавий иситиш қозонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда 20 квадрат метрдан 10 минг квадратгача бўлган уй-жой ва бошқа ижтимоий соҳа объектиларини иситишга ихтисослашган қозонлар ишлаб чиқарилмоқда. Янги қозонлар маҳаллий кўмирда ишлаши, иссиқлик тизими табиий усулда айланиши хусусияти билан ажралиб туради. Бу электр энергияси сарф қилганган ҳолда бир меъёрда иссиқлик етказиб бериш имкониятига эга. Янги қозонлар бир соатда 2 килограмм маҳаллий кўмир сарфлайди. Бу бошқа иситиш қозонларининг истеъмолига нисбатан беш хисса кам.

— Маҳсулотларимиз нафақат тежамкорлиги, балки бошқа иситиш қозонларига нисбатан арзонлиги билан ҳам ажралиб туради, — дейди “Фарғона иссиқлик таъмир” МЧЖ раҳбари Улугбек Пулатов. — Шу мақсадда соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, янги тажриба, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, кам ҳомашё сарфлаб, меъёр талабларига мос бўлган иссиқлик ишлаб чиқарувчи тежамкор қозонлар тайёрлашга эътибор берялмиш. Дастлабки ҳисоб-китобимизга кўра, жорий йили якунига қадар аҳоли ва бошқа ижтимоий соҳа объектиларига 10 мингдан ортиқ яна шундай тежамкор иситиш қозонлари етказиб берамиз.

Сирасини айтганда, куз-қиш мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа объектиларини керакли иссиқлик билан таъминлаш, маҳаллий ва импорт кўмирга бўлган талабни қондириш бораида зарурий чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Чунки уйлар иссиқ бўлса, кўнгил хотиржам бўлади.

АТТАНГ!



Мазкур мақолалардаги маълумотларга ишонадиган бўлсак, Айдаркўлнинг Арнасой тумани ҳудудидаги қирғоқларида 103 гектарда 60 мингдан ортиқ япон сафраси, катальпа, павловния, қарағай, чинор каби манзарали дарахт кўчатлари экилган. Бунинг учун тизим тасарруфидида қорхоналардан 1,5 мингдан ортиқ ходим жалб этилган. Лекин қанча маблағ ажратилгани ҳақида бирор манбадан расмий маълумот тополмадик.

Ўтган йили 12 май куни маҳаллий сайтлардан бирида бу боғ ҳақида реклама ҳуқуқи асосида эълон қилинган (ташаббускорлар рекламага ҳам қатта пул сарфлаган чоғи) мақоладан иктибос келтирамиз:

“Айдар-Арнасой кўллари тизими қирғоғида жойлашган сунъий ўрмон паркни дам олиш кўнларида маҳаллий аҳоли табият қўйида ҳордиқ оладиан жозибали туристик маскан бўлади. Кейинчалик парк ҳудуди ободонлаштирилган объект, спорт майдончалари ва бошқа объектлар билан тўлдирилди, бу эса уни, шубҳасиз, фавол дам олиш учун машҳур масканга айлантириб, минтақадаги экологик еязинни яхшилаш имконини беради. Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик доирасида комплекснинг дам олиш инфратузилмасини яхшилаш учун қўшимча шароитлар яратилади”.

Кесатиксиз, муболағасиз айтиш кераки, “Ўзавтосаноат”нинг ушбу эзгу мақсади

ва саъй-ҳаракати, дарҳақиқат, ажойиб эди. Негаки, Арнасойга қилган сафаримиз давомида боғ барпо этиш учун бежиз Айдаркўл қирғоқлари тапналмаганига амин бўлдик. Бу манзилга ташриф буюрганлар янши бўлади — доимо тўлқинлари мажланиб турадиган кўлнинг нариги қирғоғи уфққа туташган. Кишига гўё денгиз бўйида қургандек кайфият беради. Лекин шундай гўзал манзил атрофи чўлдан иборат. Қирғоқларидида юлғунзорларни ҳисобга олмаганда, соялаш учун на дарахт бор, на бирор кўналга. Эко-туризмини ривожлантириш учун жуда қулай манзил. Шу нукта назардан, ушбу лойиҳа ростдан ҳам олқиларга арзирди.

Бироқ шунча меҳнат, сарфланган маблағ бугун ҳавога учди. Сиз суратларда кўриб турган кўчатлар бугун қуриб, боғ яна яйдок саҳрога айланган. Қуриган кўчатларни кўриб, ҳафсалангиз пир бўлади. — Бу ерда бошланган ишларни кўриб, бошида роса қувонгандим, — дейди сайёҳларга хизмат кўрсатувчи “Абубакр полвон” МЧЖ вакили Эркин Сатторов. — 103 гектар ҳудуд сими тўр билан ўраб чиқилди. Бонни чорвадан ҳимоялаш мақсадида 24 соатли кузатув жорий қилинди. Айдаркўлдан сув тортиб келишга киришилди. Мутахассисларнинг гап-сўзларидан билдикки, кўп суви филътрланиб, кўчат суғоришга йўналтирилади. Бунинг учун иккита ҳовуз қазилди. Кўлдан қувур тортилди. Кўчат ораларига

қувурлар ташланди. Негадир сув тозалаш иншооти қурилиши қуттилмаганда тақа-тақ тўхтаб қолди. Дастлаб 2 та машина 20 километрдан сув ташиб, дарахтларни суғориб турди. Шунча меҳнат увол бўлмади, деб мен ҳам суғориш ишларига кўмаклашдим. Лекин кўп ўтмай бу машиналар ҳам келмай қўйди. Ойлик машини таъминлагани боис, қоровуллар ҳам кетди. Мана, кўриб турганингиздек, қаровсизлик сабаб баҳорда янаб турган боғ қуриб қолди.

“Яшил макон” умумийлиги лойиҳасига кўра, республикаимиз бўйлаб йилига 200 миллион туپ дарахт ва бутта кўчати экиш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни амалдаги 8 фойздан 30 фоизга етказиш режа қилинган. Ҳақиқатан, сўнгги икки йилда бу борада қатта ишлар амалга оширилди. Йўл бўйларига, шаҳарлар атрофига “яшил белбоғ”лар яратилди. Кўп қаватли уйлар атрофидан тортиб, дала четларигача бўлган қаровсиз жой борки, дарахт кўчатлари ўтқазилди. Статистик маълумотларнинг тасдиқлашича, сўнгги икки йилда ҳар бир вилоятда 15-16 миллион тулдан кўчат экилди. Бу бўйича эълон қилинган зарбдор 40 кўнликда барча ташкилотлар, 7 ешдан 70 ёшгача ёшу қари иштирок этди, эзгу ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Президентимиз мазкур лойиҳа ижроси бўйича ўтказган ҳар бир видеосектор йиғилишида мутасаддиларга, маҳаллий



ҳокимликларга аниқ чора-тадбирлар кўриш бўйича топшириқлар берганди.

Хусусан, дарахтларни экиш ва парваришлаш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, илмий ёндашувлар асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим ва бошқа хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқот ва таҳлиллар қилиш ҳамда ҳудудлар кесимида республика харитасини ишлаб чиқиш, хориждан келтирилган манзарали дарахтларни маҳаллийлаштириш, дарахтларни суғориш тизимини қайта кўриб чиқиш, ҳар бир дарахтни парваришлаш учун масъул шахсларни белгилаш ва бу борада рағбатлантириш механизмларини кенг жорий этиш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Жиззах вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси берган маълумотларга эътибор қаратамиз: “Яшил макон” умумийлиги лойиҳаси доирасида 2023 йилнинг баҳор мавсумида вилоят ҳудудида 10 миллион

57 минг туپ манзарали, мевали дарахт ва бутта кўчати экилган. “Яшил макон” электрон платформасига киритилган 10 миллион 57 минг туپ дарахт ва бутта кўчати парваришлаш ҳар бир қорхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ва масъул шахсларига далолатнома асосида бириктириб берилган...”.

Кўриб турганингиздек, бошқарма жуда қийойли статистик маълумот тақдим этган. Рақамларда эса этаётган ишлар кўламини тасаввурга сифдирши мушкул.

Афсуски, хизмат сафаримиз давомида бу лойиҳа доирасида жойларда қилинган ишларнинг барчасини кўришга имкон бўлмади. Жиззах шаҳри марказидан Айдаркўлгача бўлган масофа қарийб 100 километр. Катта йўл бўйида экилган кўчатларнинг ҳолатига қизиқиб, кузатиб кетдик. Жумладан, Дўстлик тумани прокуратураси, Давлат хизматлари маркази ва тумандаги ихтисослаштирилган мактаб рўпарасига экилган кўчатлар сувсизликдан қуриб-қақшаб ётибди. Яна денг, бу туман марказида-

ги ҳолат. Ёки Дўстлик туманидан Арнасой туманига кета-кетгунча 10 километрлаб йўл бўйларига экилган кўчатлар нобуд бўлган. Бошқармадагилар бу ҳудудлар учун масъул мутасаддиларга энг кам иш ҳақининг ўн баробаригача жарима қўллангани ҳақида айтди. Лекин жарима қўллаш ёхуд жазолаш билан йўлларимиз кетари, умуман, биз яшаётган манзиллар яшиллашиб, кўркамлашиб қолмаслиги аниқ. Бунинг учун қанча маблағ, қанча меҳнат йўққа чиққани ҳусусида-ку, гапирмасам ҳам бўлади.

Шу ўринда хориж тажрибаси ҳақида икки оғиз гапириб ўтсак. Европа шаҳарларида қатта йўللар бўйини кўя туринг, кўп қаватли бинолар атрофи ҳам яшилликка, гулу бўстонга айлантирилгани гувоҳи бўласиз. Ҳар бирида қишин-ёзин турфа гуллару бир-бирини тақрорламайдиган манзаралари кўриб, кўзингиз қунайдми. Бир сафар таржимондан сураганимда, бу иш билан ландшафт дизайни яратувчи компаниялар шўғулланишини, улар уйингиз атрофия ташқарисини сиз танлаган кўринишда яшилликка бурқаб беришини айтган эди.

Демоқчимизки, кўп йиллик аччиқ тажрибамиздан маълумки, ҳашар йўли билан амалга оширилган иш, хоҳ у ихтиёрий, хоҳ мажбурий бўлсин ёки мақсад қанчалик эзгу бўлмасин, алақоқибат қоридидагидек ҳолатга олиб келаверади. Ҳамма масъул этиб белгиланган иш охири-оқибат сансо-ларликка сабаб бўлаверади.

Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини яхшилатиш, дарахтлар этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида айтилганидек, соҳадаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, жазоловичи ва рағбатлантирувчи механизмларни жадал татбиқ этиш лозим. Қолаверса, тизимга ҳусусий тадбиркорларни жалб қилиш, манфаатдорлигини ошириш керак. Бунинг учун бюджетдан кўп пул кетади, дейишини мумкин. Лекин ҳозир ҳам чакана маблағ ҳавога учаётгани йўқ. Ҳар қалай, дунё тажрибаси шундай. Биз ҳам муваффақиятсизликларимиздан сабоқ олишимиз ва оқилона ечимлар ҳақида йўлаллишимиз керак бўлган вақт аллақачон келган.

Юнус БЎРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ НИЯТИ ШУ:
БИРДАМЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ДЎСТЛИК

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш Ёшлар кенгашининг Самарқанд шаҳрида ўтказилган VI йиғилиши якунига етди. Йирик анжуман доирасида туркум тadbирлар ташкил этилди. Жумладан, “Авлодлар мулоқоти”нинг биринчи учрашуви, Ёш лидерлар форуми, Ўзбекистон — Қозоғистон ёшлари II конгресси, Ўзбекистон — Россия ёшлар форуми ва Ўзбекистон — Озарбайжон ёшлари I форуми қизғин муҳокама ва фикрлар алмашинуви, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни намоён этувчи ташаббуслар майдони вазифасини ўтади.

Ёрқин таассуротларга бой ўтган тadbирлар иштирокчилар ўртасидаги дўстлик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлади, эртанги истиқболга хизмат қиладиган эзгу ғоя ва ташаббусларнинг

ҳаётга татбиқ этилишига пухта замин ҳозирлади. Муҳбиримиз форум иштирокчиларининг ҳис-ҳаяжони ва таассуротлари билан қизиқди.

Ширин ОБИДОВА,
Ўзбекистон волонтерлар
ассоциацияси директори:

— Ўзбекистон — Россия ёшлар форуми кутилгандан кўра самарали ўтди. Форумда ҳамкорликдаги лойиҳаларимиз билан бирга келгуси йилги режалар хусусида ҳам фикр алмашдик. Ёрдам бериш, яхшилик қилиш ҳис-

си ҳар биримизнинг қонимизда бор. Шу жиҳатни бизга қўшни ва дўст давлатлар ёшларида ҳам кўрдик. Бу, албатта, қувонарли. Шериклар билан волонтерлик йўналишида ҳам ҳамкорлик қиялмиз. Бу йўналишда рус ҳамкасбларимизнинг тажрибаси катта. Биз кимўзарга эмас, балки бирлашиб, инсонлар тақдирига бефарқ бўлмаган, ёрдамга тайёрларни бирлаштириш, уларни бир оила аъзолари каби яхшиликка йўналтиришга бел боғладик. Бу форум доирасида имзоланган дўстлик меморандуми ана шу эзгу мақсад рўйида ёрдам беради.

2024 йил МДҲ давлатларида “Волонтерлар йили” деб эълон қилиниши кутилган. Бу, албатта, МДҲ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистондаги эзгуликка ва яхшиликка бефарқ бўлмаган барчани бирлаштириб, сафимизни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Фаолиятимиз экология, таълим-тарбия ва бошқа турли илмий йўналишларни ўз ичига олади. Волонтерлик кенг қамровли иш. Бу дунёда қанча ихтисослик бўлса, барчасида волонтерлар бўлиши мақсадга мувофиқ.

Асқар ШАЙКИДЕНОВ,
Қирғизистон Маданият,
ахборот, спорт ва ёшлар
сиёсати вазирлиги
хузуридаги ёшлар сиёсати
бошқармаси бошлиғи:

— Ушбу форум мамлакатларимиз ёшларининг хавфсизлигини муҳокама қилиш учун катта мулоқот майдони вазифасини ўтади. Бугун дунёдаги глобаллашув ва геосиёсий вазият ёшлар хавфсизлигига, умуман, ривожланишига эътибор қаратишга ундамоқда.

Форумда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш усулларини муҳокама қилдик. Мамлакатларнинг умумий барқарорлигига йўналтирилаётган бу сайёҳаракатлар бесама қетмайди. Зеро, халқларимизни асрлар давомида ёшлар таълим-тарбияси йўлидаги ҳаракатлар бирлаштирган. Шу боис, ёшларнинг ёт ғояларга чалғимаслиги биз учун жуда муҳим.

Дилнозаҳон
КАТТАҲОНОВА,
Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари:

— Форумда, биринчи навбатда, Осиё мамлакатлари ёшлари ўртасида ишонч ва дўстлик муҳитини яратиш кўзда тутилган эди. Чунки ишонч бор жойда ҳамкорлик, ҳамкорлик бор жойда ривожланиш, натижа бўлади. Айниқса, ёшлар дипломатияси халқ дипломатиясининг муҳим қисмидир. Бу узоқни кўзлаган сиёсат маҳсули. Ўзаро ишонч ва ҳамкорлик Осиё минтақасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик-хотиржамлик гарови. Осиё мамлакатларида ёшлар етакчиларининг Ўзбекистонда бир майдонда бирлашиши катта воқеа.

Шу пайтгача ОХИЧК Ёшлар кенгашининг бешта йиғилиши ўтказилган. Президенти бундан роппа-роса бир йил олдин олтинчи йиғилишни айнан Ўзбекистонда ўтказиш таклифини билдирди. Энг муҳими, Ёшлар кенгаши йиғилишининг биринчи марта авлодлар мулоқоти форматида ўтказиш таклифи қилинди. Авлодлар ўртасидаги узлуксиз боғлиқ қийин.

лик, кичик авлоднинг катта авлодга хурматда бўлиши, устоз-шогирд сифатида катталарнинг ёшлар таълим-тарбиясида иштирок этиши Ғарб мамлакатларида учрамайдиган, Осиё минтақасига хос бўлган анъанадир. Шунинг учун ҳам форум доирасида ўтказилган лойиҳалардан бири — “Авлодлар мулоқоти”нинг аҳамияти катта.

Мулоқотларда Осиё мамлакатларида 2023 йилда ёшлар сиёсати йўналишида бажаришга ишлар таҳлил қилинди. Шу билан бирга, 2024 йилда ёшларнинг таълим, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир креатив ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама марказида бўлди. Ёшлар ўртасида терроризм, радикаллашувнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан чоралар қўриш бўйича илғор таклиф ва ташаббуслар билдирилди. Бу бўйича Осиё мамлакатларининг энг самарали лойиҳалари, қўллаган чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Уларни бутун минтақада қўллаш, хусусан, Ўзбекистоннинг бу борадаги илғор тажрибасини Осиё мамлакатлари вакиллари билан ўртоқлашдик.

ОХИЧК Ёшлар кенгашининг кейинги йилги иш режаси қабул қилинди. Йиғилишимиз баёни лойиҳасида ташкилотла аъзо ва қузатувчи мамлакатлар вакиллари Самарқанд шаҳрини Осиё мамлакатлари ёшларининг таълим, маданият ва креатив ташаббуслари маркази сифатида эътироф этди. Бу халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистондаги ёшлар сиёсати ҳақидаги яна бир эътирофи бўлди. Муҳокамалар чоғида кўтарилган барча таклиф ва ташаббуслар Осиё мамлакатларининг ёшлар масаласи бўйича келгуси йилги фаолияти, кўп томонлама халқаро ҳамкорлигида ўз аксини топади.

Бегенч ХОЛНЕПЕСОВ,
Туркменистон ёшлар ташкилоти халқаро бўлими бошлиғи:

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларимизга ушбу тadbирни юқори даражада ташкил қилгани учун самимий миннатдорлик билдирамиз. Форум ҳамма учун мазмунли ўтди.

Ўзбекистон ва Туркменистон стратегик ҳамкорлардир. Шу билан бирга, Туркменистон ва Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик

тўғрисидаги меморандум мавжуд. Бундай икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш келгусида катта самара беради. Ўз навбатида, биз ҳам ўзбекистонлик ҳамкасбларимизни 16-18 ноябрь кунлари Туркменистонда ўтадиган форумда кутиб қоламиз. Уларни юртимизда кўришдан хурсанд бўламиз.

Меҳмед Таййип КАҲЯ ўғли,
Туркия Ёшлар ва спорт
ишлари вазирлигининг
ёшлар масаласи бошқармаси
бошлиғи ўринбосари:

— Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланмоқда. Ёшлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани ва улар учун яратилган шарт-шароит, имкониятлар таҳсинга сазовор. Бугун ўзбек ёшларининг барча соҳада эришаётган ютуқларидан хабаримиз бор. Айниқса, спорт соҳасида қўлга киритаётган натижалари қувонарли. Шунингдек, таълим, маданият, санъатда ҳам ажойиб янгилар қилишяпти. Техника, интернет ривожлангани сайн дунёимиз кичрайиб бормоқда. Шундай бир шароитда ўзбек

ёшларининг дунёга айтадиган муҳим гаплари бор. Олам гўзал бўлиши учун интеллектуал салоҳиятли ёшларга эҳтиёж катта. Ўзбек ёшлари шундай инсонлар сафида бўлишига чин қалбдан ишонамиз. Биргаликда қиладиган ишларимизда ҳам ёшларнинг ўрни муҳим бўлади, деб ўйлаймиз.

Индирә ҲОЖИЕВА,
Озарбайжон ёшлар
ва спорт вазир
ўринбосари:

— Давлатларимиз раҳбарлари ўзаро ҳамкорликка катта эътибор қаратяпти. Бунга турли соҳалар мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистон ёшлари ҳар йили Озарбайжонда ўтказиладиган бир неча анъанавий тadbирларда қатнашади. Бу форум ҳам икки мамлакат ёшлари ўртасида илк бор ўтказилди. Унда 200 га яқин ўзбек-озар ёшлари иштирок этаркан, уларнинг шижоати, ютуқларидан қувондик. Бу давлатингиз раҳбарининг юртингиз ёшларига меҳри, ишончи, ғамхўрлиги натижаси. Биз ҳар икки давлат ёшлари лойиҳаларини кўрдик, таклифларини эшитдик. Бу борада уларга йўл-йўрак кўрсатдик. Икки мпллат ёшлари билан суҳбатлашиб, тажриба алмашдик. Бундай мулоқотларнинг бардавом бўлиши халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ишонч ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашига ишончим қомил.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ҒОЯДАН АМАЛГАЧА
Ҳудудларни иқтисодий юксалтирадиган пиллапоя

Ҳаёлимизда ўйлаб юрган лойиҳаларимизни махсулотга айлантириш осон кечадиган жараён эмас. Ишлаб чиқарувчи корхоналар эса мукаммал режага асосан иш кўради. Инновацион туманлар бу борада йўл кўрсатувчи, маҳаллий олимлар ғоясини “оёққа тургазувчи” бўлади. Ғояларни такомиллаштириш, мукаммал бизнес режа тузиш, зарур моливий ёрдам, махсулот ишлаб чиқаришда бундай ҳудудлар кўмаги асқотади.

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига асосан, иқтисодиётни жадал ривожланаётган туманларини инновацион ҳудудга айлантириш вазифаси қўйилган эди. Хужжат олимларнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар бос, бугун 28 та туман инновацион мақомини олди. Эътиборлиси, бундай ҳудудларда ғоядан амалгача бўлган жараёнларни қамраб оладиган тизимли ишлар ҳудудларни иқтисодий юксалтирадиган пиллапоя вазифасини ўтамоқда. Иқтисодий, иқтисодий, экологик ва бошқа соҳалардаги ўзгаришларни ўз ичига олган ёндашув шаклланиб, маҳаллий олимларнинг инновацион ғоялари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бухоро вилоятининг Ромитан ва Ғиждувон туманлари инновацион туманга айлантирилган, — дейди Бухоро вилояти олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бош мутахассиси Икром Муродов. — Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 6 июлдаги фармонида янги турдаги махсулотлар ва инновацион технологиялар яратишнинг ғоядан якуний истеъмолчигача бўлган комплекс тизимини таъминлаш орқали инновацияларга бўлган талабни рағбатлантириш асосий вазифалардан этиб белгиланган. Шунингдек, инновацион тadbиркорлик натижасида яратиладиган янги иш ўринлари сонини 4 баробар, ички ва ташқи бозорларда тижоратлаштириш нати-



жасида яратиладиган янги инновацион ишланмалар сонини 2 баробар ошириш кўзда тутилган. Бухоро вилоятида 28 та тижоратлаштириш ва стартап лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида 35 турдаги янги махсулот ва хизмат тури, 170 дан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди.

Ўқувчи вақтига
мослашувчан платформа

Аввалига рақамли технологияларнинг ҳаётимизга кириб келиши соҳаларда татбиқ этилишига, самара беришига шубҳа билан қараган бўлсак, бугун улар билан ҳамнафас яшаб, бирга қадам ташлашга ўрганиб қолдик. Бойси, сунъий интеллект мушкул дея баҳоланган ҳар бир

ишнинг уддасидан чиқиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Биз узоқ вақт давомида бажарадиган юмушларни робототехника бир неча сонияда удаллаши мумкин. Дейлик, банк ҳисоб ишлари ёки харидларни ўн баробар тезроқ амалга ошириш, фонд бозорига сармоя кириштиш. Муҳими, бундай технологиялар аниқ мақсадга эришиш учун энг яхши имкониятга эга бўлган ҳаракатларни баҳолаб, амалга ошириш қобилиятига эга.

Кузатган бўлсангиз, бугунги кун ёшлари талаб юқори, кўпроқ самара берадиган, катта даромад олиш мумкин бўлган йўналишларда фаолият юритишни афзал билади. Автоматлаштирилган технология бозорига робототехникаларга талаб кундан-кун ошиб бормоқда. Айни кезда соҳада ёшларнинг иштироки катта экани фикримиз исботи.

Интернет технологияларининг ривожланиши янги касбларнинг пайдо бўлишига олиб келди. IT ва Data (маълумотлар), маркетинг, логистика соҳаларида саноат робототехникаси бўйича мутахассисларга талаб ортиб бормоқда. Умуман олганда, бугунги кунда юқори технологиялардан фойдаланмайдиган соҳани топиш қийин.

Бухоро давлат университети тадқиқотчиси Навруз Эргашев “Blockchain” технологияси асосидаги сунъий интеллектга асосланган онлайн таълим платформасини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этди.

— Сунъий интеллект олами муҳандислик ва компьютер имкониятлари ҳисобига катта таъсир кўрсатиш қудратига эга бўлиб бормоқда, — дейди Н.Эргашев. — Ҳозирги кунда мустақил ёки масофавий тарзда таълим олишни хоҳловчилар сони ортиб борапти. Фойдаланувчилар бундан фойдаланиб, таълим олиш учун эркин график танлашни истади. Мана шу жиҳатларни эътиборга олиб, таълим олиш вақтини эркин танлаш имкониятини тақдим этувчи платформа яратдик. Сунъий интеллект томонидан бошқариладиган мазкур плат-



форма мавзулар юзасидан тестлар тузиб, билим даражасини текшириб боради. Ўқувчининг тестдаги ҳатоларидан келиб чиқиб, айнан ўша хато қилган мавзусини яна қайта ўзлаштиришни таъминлайди ва тестни хатосиз бажарганига кейинги мавзуларга ўтишга рухсат берилади. Ҳозирда стартап лойиҳамиз ишга туширилган ва ўз ўқувчиларига эга.

Бозор иқтисодиётига асосланган кучли рақобат шароити кадрлардан ўз устида доимий ишлашни тақозо этади. Аммо бу талабни бажаришда баъзи тўсиқлар юзага келади. Масалан, доимий иш жойига эга бўлган ходимлар ўзгармас таълим графини танлай олмайди. Бу борада сунъий интеллектга асосланган мослашувчан онлайн таълим платформаси жуда қўл келади. Ўқувчига вақт ва жойини эркин танлаш имкониятини яратиб беради. Ўқитувчилар ёки бизнес тренерлар эса ўз курсларини мазкур платформага жойлаштириши ва бу орқали даромад олиши ҳам мумкин.

Яна бир гап, имконияти чекланганлар учун ҳам катта қўлайлик саналган платформа таълим сифатини пассивтирмасдан операцион харажатларни камайтиришдек имкониятни тақдим этади. Нуфузли халқа-

ро олий таълим муассасалари олимлари ва тадқиқотчилари мазкур платформа орқали ўз ишланмаларини кенг оммага намойиш этиши, улар билан интеграциялашган ҳолда маҳорат дарсларини ташкил қилиши мумкин.

Мазкур платформада робототехника, схемотехника, STEM робототехника, халқаро олимпиадага тайёргарлик қўриш учун малака ошириш курслари жойлаштирилган бўлиб, сунъий интеллект ўқувчининг тайёргарлик даражаси ва ахборотни идрок этишининг индивидудал хусусиятларидан келиб чиқиб, унга мос дастурни танлайди.

Излаган — олим бўлар, ўйлаган — фозил, деганларидек, янги лойиҳалар яратиб, амалиётга татбиқ этган киши ҳам ўзи даромад кўради, ҳам юрт тарақиётига муносиб ҳисса қўшади.

Бир йилда 52 марта ҳосил
етиштириш мумкин

Агросаноат комплексининг энг йирик соҳаларидан бири бўлган чорвачилик озиқ-овқат таъминотида катта ўрин тутиши барибара, саноат учун зарур хомашё етказиб бериши билан аҳамиятли. Тармоқ экин экишга яроқсиз ерлардан самарали фойдаланиш имконини ҳам беради. Аҳолини сифатли сут ва гўшт махсулотлари билан таъминлаш, ўз ўрнида чорвачилик озуқасини етиштириш аҳамиятли жиҳат эканини кўрсатади.

“Megacuster” МЧЖ раҳбари Хуршидjon Расулов чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик ва балчиқчилик хўжалиқлари учун махсус таркибдан иборат, минералларга бой яшил гидроник озуқа етиштиришни йўлга қўйди. Махсулот таркиби янтоқ, арпа, маккажўхори уни, беда ва бошқа ёввойи ўсимлиқларни ўз ичига олади.

Бутун дунёда чорвани озиқлантиришда, асосан, силос ва омухта ем ишлатилади. Ўтган йили такрорий экин сифатида маккажўхорининг интенсив навидан гектарига 50-60 тонна силос олинганда, унинг 1 килограмм таннархи бор-йўғи 150 сумми ташкил этган. Ваҳоланки, ўша вақт 1 килограмм шепуҳанин бозордаги нархи 2 минг сўмдан ошар эди. Демокчи бўлганимиз, 10 баробар арзон озуқани бемалол чорвадорларнинг ўзи етиштиришга бўлади. Ангшладики, озуқа турлари ва сифатини яхшилаш қийин жараён эмас.

— Кўк ўтлар ўз таркибида юқори қийматли протеинлар, алмашмайдиган аминокислоталар, зарур тузлар ва микроэлементларни сақлайди, — дейди Х.Расулов. — 1 метр квадрат ерда гидроника усулида ундирилган дондан 25-28 килограммгача қўк масса олиш мумкин. Бунинг учун атиги 7 кун кирфос. Бу худди шу ўлчамдаги ерда бир йилда 52 марта ҳосил етиштириш, 1300-1456 килограммгача қўк масса олиш мумкин, дегани. Айни кўрсаткич дон ва такрорий экин-дан олинмайдиган дағал хашак ва силосга нисбатан анча юқори. Негаки, бир метр квадрат ерда етиштирилган ғалладан 0,6 килограмм сомон, такрорий экиндан 4 килограмм маккажўхори, жами ўртача 4,6 килограмм чорва озуқаси олиш мумкин. Гидроника усулида етиштирилган 1 килограмм яшил массада 0,9-1,2 фоз озуқа бириги мавжуд. Озуқа майдалагач орқали қайта ишланиб, 90-95 фозигача ҳазм бўлишига ва харажати қисқартиришга эришилади.

Чорва озуқасининг нархи ва сифати гўшт таннархини белгилөөчи муҳим омиллардан бири. Бухоро вилоятининг туپроғи шўр ва чулчи худуд. Чўлда ўсадиган ёввойи ўсимлиқлардан фойдаланиб омухта ем сифати оширилса, ўз-ўзидан гўшт ва сут махсулотлари таннархи тушади. Соҳада ресурстежовчи технологияларни кенг қўллаш орқали олинмайдиган махсулот унумдорлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам зарур. Тупроқ унумдорлиги анчайин паст, сув тақчиллиги кузатиладиган ҳудудларда гидроника усулида ем етиштириш ўзини оқлайди.

Ҳозир дунёнинг инновацион драйверлари — рақамлаштириш ва илғор илм-фан. Иқтисодий мўъжиза яратиш учун барча соҳаларни рақамлаштириш ва илм-фани ривожлантириш зарур. Янги лойиҳаларнинг чекка ҳудудларгача жадал кириб бориши, амалиётга татбиқ этилиши одамларда ҳар бир соҳадиги муаммони илмий ёндашиб ҳал этса бўлишига, импорт ҳисобига олиб келинаётган ҳар қандай махсулотни ўзимизда ишлаб чиқаришга ишонч уйғотади. Инсон тафаккури кенг, унда бутун дунё акс этиши мумкин. Демак, башариятга тегишли муаммоларнинг ечимини ҳам ақл-заковату шууримиз орқали топилади. Илмий изланувчилардан инновацион тафаккур махсули бўлган янги ғоя ва махсулотларни кутиб қоламиз.

Феруза ЖўРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz



21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ



МУЛОҚОТ

ТИЛИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БИРЛАШСАК, улкан қудратимиз

Давлат тилида иш юритиш бўйича маслаҳатчиларнинг
биринчи республика семинаридан кўзланган мақсад шундай

Қуз ёмғирдан тозариб, олтинранг япроқлари ястанган Адиблар хиёбони ҳавонинг авзойига қарамай, доимгидек гавжум. Диллар Алишер Навоий бобомиз хайкали пойига қўйилган алвон гуллардан равшан тортиди. Давлат тилида иш юритиш бўйича маслаҳатчиларнинг илк республика семинари буюк алломага эхтиром кўрсатишдан бошланганига ортқича изоҳ шарт эмас. Хиёбонда тилимизнинг Низомиддин Маҳмудов, Исажон Султон каби фидойилари билан “Адабиёт — халқнинг юраги” мавзусидаги учрашувдан сўнг иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси бўйича маслаҳатчилар малакасини ошириш ҳамда фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган семинар бошланди.

Тадбир аввалида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти раҳбари Нодир Холбўтаев ўзбек тилининг нуфузини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда тизимли ишларга тўхталиб, иштирокчиларни яқинлашиб келаётган Ўзбек тили байрами билан табриклади.

— Давлат тилида иш юритиш масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият бошлагандан буён ўтган вақт мобайнида улар дуч келаётган муаммоларга ечим топиш юзасидан тажриба орттириш кераклиги аён бўлиб қолди, — деди департамент раҳбари. — Шу маънода, биз республика миқёсида семинар ташкил этиб, мутахассисларни ҳам тақлиф қилдикки, улар маслаҳатчиларимизни қизиқтирган, ўйлантриб турган масалалар, саволлар юзасидан чиқишлар қилганди. Айтилик, ташқи ёзувлар, рекламалар бўйича муаммоларга қандай ечим топиш керак? Жойларга ном бериш, давлат тили талабларига мувофиқ иш юритиш билан боғлиқ масалаларда мунозаралар бўлади. Шунингдек, ўзбек исмлари, миллий номлар қўйиш бўйича яратилган янги платформалар, дастурлар



— Тил байрами олдидан тадбирлар ўтказиш аънаъга айланган, — деди Қашқадарё вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Зиёда Аминова. — Аслида, давлат тили ҳақида қайғуриш, ҳимоя қилиш, тилини асраш, уни авлодларга безавол етказиш ҳар кунлик ишимиз. Зеро, семинар очилишида айтилганидек, бу тафаккур байрами. Тафаккуримизни бойитишни эса ҳар кунни ўйлашимиз керак. Давлат тилига эътибор, унинг нуфузини ошириш ҳақида гап кетар экан, аввало, хат-ҳужжатларнинг лотин ёзувида бехато бўлишига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки талаб шундай. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори қабул қилинган. Ўз

ҳар бир ташқи ёзув воситалари ортида тадбиркорларнинг муайян миқдордаги маблағи ётибди. “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши ҳам улар томонидан бўладиган қаршилликларга анча барҳам берди, — дейди Бухоро вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Акбар Рустамов. — 2 йилча аввал ҳудуддаги 30 фоизга яқин географик объект номлари миллий мафкураимизга монанд эмасди. Республика топонимика маркази ёрдами билан ана шундай жойлар миллийлигидан келиб чиқиб номланди. Ўйлайманки, бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда бугунги семинар катта амалий ёрдам беради.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!



вақтида ташкил этилган республика семинари фаолиятимиз давомида дуч келаётган муаммоларга ечим топишда мутахассислар билан ҳамфикр бўлиб, ҳамкорликда ишлаш учун жуда муҳим. Шунингдек, бу маслаҳатчилар зиммасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилаётганининг амалдаги ифодасидир.

Дарҳақиқат, семинар давомида маслаҳатчилар тилшунос олимлар маърузаларини тинглаб, ўзбек тилини янада ривожлантириш борасидаги долзарб вазифаларни муҳофаза қилиш бораборида ўзбек тилининг имло қоидалари, реклама тўғрисидаги, географик объектлар номлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси бўйича муаммоларни, уларнинг ечимлари устида қай қай алмаштириш, улар мунозараларига қаришди. Файсидир маслаҳатчи томонидан бажарилган ишлар самарадорлиги бошқа маслаҳатчига ибрат бўлиши аниқ. Зеро, вазифалар ижросида борад бирдек фаол бўлавермайдими.

— Бухоро вилоятидаги хатлов натижаларига кўра, дастлаб 2000 дан зиёд ташқи ёзувнинг ажнабий тилда ёзилгани кузатиладиган. Мана шу ўтган давр мобайнида маслаҳатчилар томонидан олиб борилган тушунириш ишлари, ҳамкор ташкилотлар билан қилинган самарали меҳнатларимиз туфайли 1800 дан зиёд ташқи ёзув воситаси давлат тили талабларига мослаштирилди. Албатта, бунга осонликча эришмадик. Чунки қонунга номувофиқ

Икки кун давом этадиган семинар доирасида “Рақамли Тошкент” геоахборот тизими ҳамда millyonot.uz платформаси тақдиротлари, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими режалаштирилган.

Маслаҳатчиларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглар эканмиз, республика миқёсида ташкил этилган семинар тизимида янги-янги ютуқларга эришишда катта ёрдам беришига умид боғладик. Улар ишонч билан таъкидлаганидек, семинар, аввало, иш фаолияти мобайнида учраётган муаммоларни ечилишга ёрдам беради, иккинчи томондан, мазкур фаолиятда янги сифат босқичига кўтарилишга ҳам хизмат қилади.

Тадбир таассуротлари билан қайтар эканмиз, бир маслаҳатчининг ҳамкасбларимизга бераётган интервьосидаги қуйидаги жумлалардан кўнгилмиз тоғдек кўтарилди:

— Барчамиз бу йилги байрамни ўзига хос, кенг миқёсда, очик жойларда сайил тарзида ташкил этишда жонбозлик кўрсатишга келишиб олдик. Одамларимиз бу байрамнинг умумхалқ байрами эканини ҳис қилиши учун бор қуч-ғайратимизни ишга соламыз.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Эмир КУСТУРИЦА:

“ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ФИКРИМДА СОБИТМАН

У — ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР
ЧОРРАҲАСИДАГИ МАМЛАКАТ”

Кеча қатор босма ва электрон нашрлар режиссёр Музаффар Эркиновнинг “Муболагасиз, ғурур туйдим...” сарлавҳали мақоласини эълон қилди. Ўзбек режиссёри яқинда мамлакатимиз мезбонлик қилган XV Тошкент халқаро кинофестивалига меҳмон бўлиб келган Эмир Кустурицанинг таассуротларига асосланган самимий мақоласида хорижлик ҳамкасби кечинмаларининг чиройли баёнини келтирган.



Европанинг энг йирик кинофестиваллари, шу жумладан, Канн кинофестивалида икки марта “Олтин пальма япроғи”ни олишга мушарраф бўлган ягона ижодкор, келиб чиқиши босниялик кинорежиссёр ва актёр билан Тошкент кинофестивали доирасида суҳбатлашиш имконияти бўлмаган эди.

Шунинг учун Музаффар Эркинов билан боғландик, яхши мақола ёзгани билан табрикладик. Дарвоқе, Озарбайжонда Турк дунёси III “Қўқут ота” кинофестивали ўз ишини аяқунлади. Унда Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги директори Фирдавс Абдухаликов туркий дунё кинематографияси ривожига қўшган ҳиссаси учун махсус мукофот билан тақдирланди. Шунингдек, кинофестивалда режиссёрлар Музаффар Эркинов “Абдулла Орипов” бадиий фильми учун “Энг яхши сценарий”, Шухрат Махмудов “Менинг доирам” ҳужжатли фильми учун “Энг яхши ҳужжатли фильм” номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритди. Ушбу эътироф билан ҳам ижодкорни муборакбод этдик.

— Музаффар, биллишимизча, ҳам ғойибона устозингиз, ҳам дўстингиз Эмир Кустурица ҳозир қисқа таътилда экан. У юртимизга сафари давомида тилга ҳаёвдала ишлади, суҳбатлашишга имконимиз бўлмади. Режиссёр билан боғланиб, айрим саволларимизга жавоб олишда ёрдамингиз керак.

— Техника ривожланган асрда бу муаммо эмас, жоним билан!

Ҳеч қанча фурсат ўтмай, жаҳон киноси ривожига улай ҳисса қўшган “Шамок — бир мўъжиза”, “Аризона орзуси”, “Оқ мушук, қора мушук”, “Андеграунт”, “Лулилар соати” каби машҳур фильмлар муаллифи, режиссёр, актёр ва мусиқачи Эмир КУСТУРИЦА ва унинг продюсери Мирко РАДИНОВИЧ билан ижтимоий тармоқлар орқали алоқа ўрнатилди, онлайн режимда саволларимизга жавоб олдик.

— Бугун ўзбек матбуотида сизнинг юртимизга ташрифингиз таассуротлари ёритилган мақола эълон қилинди. Бироқ у Тошкент ва Самарқандда бўлиб турган вақтингиз билан боғлиқ ҳамда муаллиф — ҳамкасбингиз тилидан берилган. Мана, ўз мамлакатингизга қайтдингиз, орадан вақт ўтди. Таҳлил, ташбеҳ ва хулосаларингиз ўзгармадими?

— Аввало, айтишим керак, Ўзбекистондан қайтганимдан сўнг ҳам менга кўрсатилаётган бундай эътибордан миннатдорман. Дўстим, ҳамкасбим Музаффарнинг мақоласи эълон қилинган ва унда билдирилган изҳорлардан қисман хабарим бор. Ўзбекистон ҳақидаги фикрларимда собит қоламан ва ҳамон сафар ҳаяжони мени тарқ этмаганини таъкидламоқчиман. Мен Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг гўзаллигидан, мафтуноқчилигидан, ихлосмандларнинг кино санъатига ҳурмати, уни теран англаши ва тушунишидан, Тошкент халқаро кинофестивалининг юқори савияда ўтганидан қандай ҳайратланган бўлсам, халқингизнинг самимийлиги, меҳмондўстлиги, эътиборидан шунча таъсирландим.

Шаҳарларингиз сайилдош ва истироҳат боғларига бой, кирган ва сайр қилаётган одамни сеҳрлаб қўядиган даражада эртанамо эканига ғувоҳ бўлдим. Турли ёш, дин, ирқдаги одамлар ўзларини бирдек хотиржам, беҳавотир ҳис қилаётганини кўрдим. Оиласи, фарзандлари билан ҳар қадамда фавворалар шарқираб турган тунги кўчаларни, музейларни эслатиб юборувчи тамаддиҳоналарни тўлдириб, ҳордиқ чиқараётган ҳар хил динга мансуб, либослари

ҳам турлича русумда бўлган фуқаролар билан саломлашдик. Бу демократиянинг олий кўринишидир. Бу Ўзбекистоннинг цивилизациялар чорраҳасида эканига ишора эди.

— Дунёнинг етакчи кино мутахассислари сизга “олдини кўра билиш, баъшорат қилиш қобилиятига эга, бунга ўз ижоди, яратган фильмлари орқали ҳам исботлаган, жамиятининг қарашларини ўзгартиришга қодир ижодкор”, дея таъриф беради. Ўзбекистоннинг келажиги, ҳусусан, киносаноати истиқболлари ҳақида қандай фикрдасиз?

— Мен Ер сайёрасининг бир фуқароси сифатида, ўз таҳлилларимга таяниб, дунёнинг келажигини Осиёда кўраман. Ўзбекистон эса Осиёнинг ажралмас қисми, боз устига Марказий Осиёдек муҳим минтақада етакчи позицияга эга мамлакат. Келажакка назар ташлаш шарт эмас, бугуннинг ўзида Осиё давлатлари қандай ривожланиб бораётганини кўриб турибмиз. Ишонаманки, Ўзбекистон энг олдинги сафлардан мустаҳкам ўрин олади. Иқтисод ривожлангани сари миллий кино санъати ҳам тараққий этиб боради. Бунинг учун сизларда улкан салоҳият ҳам, имконият ва шароит ҳам етарли.

Менинг қадрдоним, айни пайтда продюсерим Мирко Радинович 1991 йилда илк бор мамлакатингизда бўлган. Кечаги сафарда менга ҳамроҳлик қилди. Ўзгаришлардан, ислохотлардан оғзи очилиб қолди. Музаффар Эркинов ғувоҳ, тунги “Тошкент сити”да айланиб юрганимизда Францияда бўлиб турган саёхатчи дўстларимиз билан телефон орқали гаплашдик. Уларга “Парижда нима бор, Тошкент ёки Самарқандга келинглар”, дея хитоб қилганидаги ҳаяжонини, гаплари самимий ва чин юракдан чиқаётганини ҳаммамиз сездик.

Яна бир гап, фақат ҳеч кимга айтманг (қулади). Тошкент халқаро кинофестивалига қизим Дуняни ҳам олиб келгандим. Мен тадбирма-тадбир юганимда у қўллаб манзилларни айланди, кўрди, ўзига Ўзбекистондан дўстлар орттирди. Қайтишда қизим билан сафар таассуротлари ҳақида гаплашишга имкон бўлмади, мен ўз ишларим, у ўз юмушлари билан банд бўлдик. Лекин биласизми, кеча у менга нима деди? “Париждаги уйимни сотиб, Тошкентдан ўй олиш ҳақида ўйлапман”, деди. Қизимнинг бу гапи менда бошқа савол қолдирмади.

— Навбатдаги кинофестивалда иштирок этиш учун Тошкентга яна келиш режангизда борми?

— Менимча, навбатдаги фестивални кутиб ўтирмайман. Имон тугилса, яна Ўзбекистонга бормоқчиман. Ишонаманки, юртингизда мен кўрмаган ва ҳайратимга ҳайрат қўладиган манзиллар, жиҳатлар кўп. Қолаверса, Президентингиз Шавкат Мирзиёев бошлаган кенг ислохотлар бугун авж паллада ва ичил давом этмоқда. Яъни мен яна ғувоҳ бўладиган беқиёс ва қўламли ўзгаришлар олдинда. Ўзбекистон кун сайин нафақат Осиёнинг, балки жаҳоннинг етакчи мамлакатлари сафидан жой олиш сари дадил қадам ташлаяпти. Ушбу жараёни бево-сидат кузатиш, тараққиётнинг ичида бўлиш ис-тагидаман.

— Демак, Тошкентда қўришгунча, жаноб Кустурица!

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



GAZETAДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН
MAZKUP QR-KODНИ SKANER ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайдими ва
муаллифга қайтарилмайдими.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўяни расмийлаштирган
ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
“ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.
43312 нусхада босилди.
Ўфсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоли келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаххас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Ўза яқини — 00:02 Топириди — 02:55